

Михаэл Питала камокхонадан кочди. Куюк ўрмонлар ва бугдойзорларда яшириниб у жануб томон юрди, токка якинлашди. Дехконлар унинг корнини тўйгизиши, йўл учун озик-овкат ва кийим-бош беришди. Кеч тушди.

Оппок илонизи йўл тог ёнбагирлаб буралиб кетган эди. Довонда хоч туарди. Кочок чанг йўлдан аста кўтарила бошлади. У Галитсиянинг Тарновск ўлкасилик дехконлар киядиган узун, чанг босган кўйлагига тиришган калтирок кўли билан ул-бул егулик солинган кичкина тугун кистириб олганди.

У атрофни кўрка-писа кузатди, унинг юзида сокчи кўриниши биланок ўзини тик кияликдан водийга ташлаш журъати намоён эди. Ва нихоят у этагида яримчириган ўриндик турган, ёгоч хоч жойлашган довонга етиб келди. Михаэл Питала чўкинди ва ўриндикка хоргин ўтирди. Тугунни ёнига, майсага кўйди ва атрофга назар ташлади. Икки томондан хам йўл нишабликка караб кетарди. Унинг кўз ўнгида ўрмонли водий гавдаланди. Атроф кандай гўзал! Узокда, кулранг чўккилар орасида азим Боботог кад кўтариб турибди. Ундан нарирокда Такиртог, унинг ён-верида эса Михаелнинг ота жойлари... Шунча йиллардан кейин, икки-уч кун ўтиб у ўрмоннинг ёқасига кадар ёйилган кўралар, мўъжаз ибодатхона жойлашган она кишлогини кўради.

Тоглар орасига аста ботаётган куёшнинг нурлари сўниб борарди. Кочок оппок киров кўнган бошини куйи эгганича кечмиш хаётини эслади. Кўп йиллар аввал у иш кидириб хотини ва бола-чакасини олиб Германияга отланди. У ерда тер тўкиб холдан тойгунча меҳнат килишди, хаётнинг аччик-чучугига сабр килишди. Киш ойларидан бирида у ишсиз колди ва бутун оила очлик домида колди. У якинларининг кийналганларига чидай олмади ва аввал уларни, сўнг ўзини захарлаб ўлдиришни ўйлаб колди. Огуни тайёрлаб, мудхиш режасини амалга оширди. Хотини ва болалари ўлди, лекин у тирик колди.

Тузалиб кетганидан сўнг уни узок йилга озодликдан маҳрум этишиди. Кўп йиллар иш давомида олисдаги булатли тогларга хавас или караб, яна ўша ерга боришни орзу киларди. Нихоят, у камокдан кочишга эришди. Мана, хозир шу ерда...

Михаэл Питала яна атрофга назар солди. Куёш тобора пастлаб ботиб борарди. Боботог чўккиси шафак багрига сингиб кетди. Шафак. Магриб томонда тўк-кизил оловли шар аста тог ортига ботди. Кечки кизил шуълалар тог багрида эриб кетди. Ундан кейин гоҳ парчаланиб, гоҳ яна кўшилиб туман пардаси кўтарилди. Кандайдир ўзгача гира-шира коронгулик ўрмонни буркаб олди. Илик шамол эса игнабарт хидини атрофга сочди.

Пастда катта тошлари замбуруг билан копланган тог нишаблиги ястаниб ётиби.

Сершовкин сой тошдан тошга ва илдизи билан кўпорилган дарахтларга урилиб окар, баланд тилогоч ва карагайлар орасида кўринмай кетарди.

Кочок сокол коплаган юзини куйи индирган кўйи пинакка кетди. Тушига уйи кирибди. Лекин у оксокол кария эмас, навкирон йигитча эди. У хозиргина ўрмондан кайтганди. Мана, ўчокдан чикаётган тутун ўрлаган кулбадаги ўзининг кичкина хоначаси. Мана, отаси, онаси, бутун оиласи. «Михалек, сен каерда бунча кўп колиб кетдинг?» деб сўрашяпти. Сўнг хаммалари хонтахтага ўтириб овкатланишади, гурунглашиб ўтириб кўй сутидан ичишади. Кўшнилар чикади. Ўрмонда ўртоги Коничкани айик кандай кўркитганини айтиб беришади. У ўчокка ўтин ташлайди. Ўтин чарсиллаб ёниб, курум босган хонани ёритади. Ташкаридаги кўрага кайтаётган молларнинг маърашини эшитиб

ўтириш канчалик ёкимли. Ибодатхона кўнгироги чалинади. Хаммалари туришади, чўкиниб, баланд овозда ибодат килишади. Олов эса чарсиллаб ёнади... Бирдан оғир кадамлар кочокнинг тушини бузиб юборади.

Ўрнидан туаркан, ердан чикдими, осмондан тушдими, каердандир пайдо бўлган миршабни кўрди. Унинг милтиқ найзаси туннинг сўнгги шуълаларида даҳшатли ялтирарди. Михаел Питала тугунини олиб, бир сакрашда нариги йўлга ўтиб, тог нишаблигига караб югурди. Уч марта «Тўхта, тўхта, тўхта!» буйругидан сўнг гира-шира ўрмоннинг тун сокинлигига кўп марта ўқ овози акс-садо берди. Ўк еган бошини эгганича кочок олдинга ва юкорига интиларди. Охирги марта ботаётган күёшни ва тоглар тизмасини кўриб колишга харакат киласади. Куёш ботди.

Водийнинг аллакаерида кечки ибодатга чакирувчи черков кўнгироги чалинди. Юкорида, йўлдаги ёғоч хоч ёнида турган миршаб калпогини ечди ва ибодат кила бошлади: «Тангри малаклари...»

Милтиқнинг оғзидан осмонга кўтарилаётган тутун сўрок белгиси шаклини эслатарди.

Ўрмон осмонида ой чикиб, кияликда ётган кочокнинг мурдасини хира нурлари билан ёритаётганда, унинг кўкарган лаблари аста пицирлади: «Ватан! Ватан!»

1902

Рус тилидан Давронбек Тожиалиев таржимаси